



ЎЗБЕКЕНТ ХАЖУКАТИ

РЎНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 55 (10.051). • 1991 йил 20 март • чоршанба

Баҳоси 6 тийин.



Баҳор
келди
бизни
сўроқлаб...

УМУМХАЛҚ ШОДИЁНАСИГА

МАРҲАВО, ДЎСТЛАР!

• НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА? •

ОЛМАЛИҚ

● НАВРЎЗ арафасида бу ерда хайрия марафон ўтказилди. Шаҳарнинг 26 маҳалласида мазкур баҳор байрами кенг нишонланди. Мақталар ва меҳнат жамоаларида бадий ҳаваскорлик кўриқлари, фольклор ансамблларининг чиқишлари уюштирилди. 21 март кун «Химик» ва Металлургия маданият саройлари олдидаги майдонларда ва намоёнлар хибонада умумшаҳар байрами бўлади.

АНГРЕН

● МАҲАЛЛАЛАРДА баҳор шодиёнлари 31 мартга давом этади. Умумшаҳар байрам марафони 21 март кун «Химик» ўйингоҳида ўтказилди. «Наво» ансамбли, дорбозлар, жонгёрлар, фокусчилар, акробатлардан иборат «Саҳнадаги цирк» гуруҳининг чиқишлари, масҳарабозлар, қизиқчилар иштирокидаги томошалар, турли танловлар ва миллий ўйинлар ўтказиш мўлжалланадир.

ОҲАНГАРОН

● ШАҲАРДАГИ 10 та маҳаллада Наврўз байрами кенг нишонланди. 21 март кун шаҳар марказий майдонда карнай-сурнай билан умумшаҳар байрами очилди. «Ховобод» маданият ва истироҳат боғида оммавий сайил ўтказилди.

БЕКБОД

● 21 МАРТ кун «Ўзбекистон» кинотеатри қаршидаги майдонда умумшаҳар байрам бошланади. Унда қўшни Ленинobod вилоятининг Нов ва Мастчоҳ районлари бадий ҳаваскорлик жамоалари ҳам иштирок этадилар. Турли танловлар, кўргазмалар, мусобақалар уюштирилади, кинопремьералар, китоб бозорлари ташкил этилади.

ЧИРЧИК

● ШАҲАР маҳаллаларидаги байрам тантаналари 25 мартга давом этади. 21 март кун ўтказилган умумшаҳар байрамда Н. Нурмухаммедова ва «Резонанс» гуруҳининг, «Шодлик», «Хайтарма», «Гулдаста», «Наврўз», «Мелодия» бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, миллий таомлар тайёрлаш бўйича танловлар уюштирилади.

ЯНГИОБОД

● БАЙРАМ арафасида бу ерда «Келинлар баҳси» ва «Иқбол» танловлари ўтказилди. 21 март кун «Ассалом, Наврўз!» деб номланган театрлаштирилган байрам сайли ўтказиш мўлжалланмоқда.

ЯНГИЙҮЛ

● НАВРЎЗ шодиёнлари маҳаллаларда 26 мартга ўтказилди. Умумшаҳар байрам 21 март кун маданият ва истироҳат боғида, «Победа» кинотеатри олдидаги майдонда, У. Юсупов му-

зейи худудида ўтказилди. Дорбозлар, цирк жамоаси, масҳарабоз ва аскиячилар, фольклор дасталари чиқишлари уюштирилмоқда. «Келин салом», «Бешик тўйи» каби халқ маросимларини ўз ичига олган театрлаштирилган томошалар, навоийхонлик бўлади.

ОҚҚҮРҒОН

● НАВРЎЗ кун маҳаллалар ва ҳўжаликларда уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илгорлари, ҳурматли кишилар шарафланади, оила қураётган келин-куёвлар турар-жойларда рўйхатдан ўтказиладилар. Турли ўйинлар, танловлар, сайиллар уюштирилади.

ОҲАНГАРОН РАЙОНИ

● НАВРЎЗ шодиёнлари ҳўжаликларда ўтказилди. Бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, энг яхши ижро учун, сумалак ва миллий таомлар тайёрлаш бўйича танловлар ўтказилди. Серго номи ва «Оҳангарон» совхозларида улоқ ташкил қилинади.

БЕКБОД

● 18 МАРТ кун маданият уйи ёнидаги майдонда умумрайон байрамга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Байрамга қўшни Ленинobod вилоятининг Мастчоҳ, Пролетар, Уратепа, Зафаробод, Нов районларидан ва вилоятимизнинг Бўна, Пискент районлари, Бекобод шаҳридан меҳмонлар таклиф қилинди. Турли миллатларнинг 6 павильони ўрнатилиб, улар ёнида сумалак, ҳалим тарқатилди. Маҳалла ва ҳўжаликларда Наврўз шодиёнлари давом этмоқда.

БҮСТОНЛИК

● Умумрайон байрами Ғазалкент шаҳри ўйингоҳида ва марказий майдонда 21 март кун бўлади. Бу ердаги турли миллат павильонларида концертлар, савдо, спортчиларнинг намунали чиқишлари уюштирилади.

БҮКА

● НАВРЎЗ тантаналари етти та маҳаллада ўтказилди. Бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, спорт мусобақалари, «Иқбол» танлови, навоийхонлик ўтказиш мўлжалланмоқда.

ҒАЛАБА

● УМУМРАЙОН байрамга қўшни Чимкент вилоятининг Сарноғоч ва Еттисой районларидан меҳмонлар таклиф қилинган. С. Раҳимов номи маданият ва истироҳат боғининг цирк студияси, Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирлари ҳам келишади.

КАЛИНИН

● 23 МАРТ кун райиқроққўм ёнидаги майдонда умумрайон байрами ўтказилди. Унда дорбозлар, фольклор ансамбллари ва бошқа ижодий жамоалар иштирок этиши режалаштирилган.

КОММУНИСТИК

● УМУМРАЙОН байрами ўрнига барча маҳаллалар ва ҳўжаликларда Наврўз тантаналари ўтди. Уларда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, хилма-хил танловлар ўтказиш мўлжалланмоқда.

ОРЖОНИКИДЗЕ

● УМУМРАЙОН байрами «Қишрак» ўйингоҳида ўтказилди. Унда Чимкент вилоятининг Сайрам районидан келган дорбозлар, республика қўғирчоқ театри ижодкорлари, фольклор ансамбллари, қозғистонлик «Қипчоқ», «Айтис» жамоалари иштирокида турли томошалар, спорт мусобақалари бўлади.

ПАРКЕНТ

● ҲАР жума кун «Қишлоқда — қишлоқ кунлари» кўрғини ўтказиб турилади. Энди «Наврўз ва баҳор шоирлар назмида», «Иқбол» қизлар конкурси, «Наврўз олам» оқшомлари уюштириш мўлжалланган. 21 март кун умумрайон байрами бўлиб ўтади. Унда шодиёнлар қаторида каратэ, у-шу, кураш усталарининг намунали чиқишлари, полвонлар, тош кўтарувчилар, югурувчилар, мусобақалари, халқ усталари ясаган буюмларнинг кўргазмалари савдоси ташкил этилади.

ПИСКЕНТ

● БАЙРАМ арафасида унутилган урф-одатлар ва маросимлар, анъаналар ва байрамлар, қўшиқлар, халқ кўйларини тиклаш ва тарғиб этишга бағишланган танлов маросими бўлиб ўтди. Ленинobod вилоятининг Мастчоҳ, районидан келган меҳмонлар иштирокида маҳаллаларда Наврўз нишонланди. Охунбоев номи маданият ва истироҳат боғида очилган умумрайон байрамда театрлаштирилган тўй томошалари, спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

УРТА ЧИРЧИК

● ТҮЙТЕПА шаҳридаги «Оқсоқол» чойхонасида учта маҳалла баҳор байрамининг бирга нишонлайдилар. Концерт намоёни этилади, танловлар, миллий буюмлар ва таомлар кўргазмалари савдоси ташкил қилинади.

ТОШКЕНТ РАЙОНИ

● БАРЧА маҳаллалар ва ҳўжаликларда, шунингдек, район марказида Наврўз байрами кенг нишонланади. Чимкент вилоятининг Сарноғоч районидан келган жамоаларининг чиқишлари, дорбозлар иштирокидаги томошалар, «Келин салом», «Айтишув», миллий таомлар тайёрлаш бўйича танловлар ўтказилди. Болалар майдончасида ўйинлар, вотириналар, турли танловлар уюштирилади.

ЯНГИЙҮЛ РАЙОНИ

● НАВРЎЗ тантаналари ҳўжаликларда ва маҳаллаларда ўтказилди. Тамирязев номи совхозда, Бўзсув қўғирчоқ Шўрсиде қозоқ миллий маркази билан биргаликда турли тадбирлар амалга оширилади. Уювлар қўрилиб, унда қозоқча тўй маросимлари, улоқ, ҳар хил танловлар уюштирилади.

БОШ НАШРИЁТ



*
Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитети
босмахонаси
ва нашриёти
—70 ёшда
*

● БУТҮН умрини Ўзбекистон матбааси тараққиётига бағишлаган бу устозлар билан фахрланамиз.
(2-бетда ўқинг).



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IV ПЛЕНУМИНИНГ
1991 ЙИЛ 12 МАРТДАГИ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНING ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

1. Пленум шун ташкиллайди, партия комитетларида ва ташкилотларида Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг қарорларини бажариш соҳасидаги иш авж олиб бормоқда. Съезде қабул қилинган Компартиянинг Ҳаракат дастури коммунистлар ва партиячилар орасида кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда, чунки у ҳар бир киши учун муносиб турмуш шартини таъминлашда меҳнатқилларнинг ва бутун аҳолининг тўб манфаатларини ҳақиний равишда инодалайди, жамият барча соғлом кучларини жиқслаштириш, вазиятни барқарорлаштириш эҳтиёжларига мос бўлиб тушади.

Шу билан бирга, мамлакатдаги воқеаларнинг ривожланиши, иқтисодийдаги ва жамиятдаги танглик ҳолатларининг кучайиши Компартиянинг барча бўғинлари ишдаги суст-кашликни бартараф этиб, куч-айратини Ҳаракат дастурини амалга оширишга қўлроқ даражада қаратишлари,

унинг энг муҳим қондаларини аниқ мақсадни қўлаб, зўр ғайрат билан турмушга тадбиқ этишлари, меҳнат жамоаларида ва аҳоли орасида коммунистларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашлари, тасдиқини кучайтиришлари зарурлигини тақозо этади.
(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг фармони

ШАХСИЙ ТОМОРҚА ҲЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЭҒАЛАРИ БЎЛМИШ ДЕҲҚОНЛАРГА
МОЛИЯВИЙ ЕРДАМ БЕРИШ ВА УЛАР УЮШМАСИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ
МУСТАҲҚАМЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шахсий томорқа ҳўжалиklarининг эгалари уюшмасини республика аҳолисини озин-овқат билан таъминловчи асосий соҳалардан бири сифатида қарор топтириш, унинг ижтимоий-маиший шартини яхшилаш, шунингдек бозор муносабатларига кириш даврида деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Уюшманинг шахсий томорқа ҳўжалиklarини ривожлантиришга ёрдам бериш фондига ташкил этиш учун бир миллиард сум ажратилсин.
2. Вазирилар кабинети зиммасига шахсий томорқа ҳўжалиklarини эгалари уюшмасига шахсий ҳўжалиklar соҳаси учун моддий-техника ресурслари бўйича фонд эгаси вазифаларини бериш ваколати топширилсин.

3. Шахсий томорқа ҳўжалиklar эгалари уюшмаси кенгаши Ўзбекистон ССР Молия вазирилик, Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банки, Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик, Қорағалпоғистон Вазирилар кенгаши ва вилоят ижроия комитетлари билан биргаликда икки ҳафта мuddат ичида шахсий томорқа ҳўжалиklarини ривожлантиришга ёрдам бериш фонднинг мақоми ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низоми тайёрлаб чиқсин ва Вазирилар кабинетига тақдим этсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 март.
И. КАРИМОВ.



Тарадуд.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

ХУШ КЕЛИБСАН

Гуллар билан безанди ўлкам,
Кўз-кўз қилиб кўрники кўлкам,
Ингит-қизлар бариси ўтқам,
Мўйсифидлар сафоси кўрқам,
Ҳамма-ҳамма бўлиб жамулжам,
Жўшар ома-дирда байрам,
Хуш келибсан, Наврўзи олам!
Кўргандирсан, чеҳралар гулгун,
Ешу қари аслигига мафсун,
Сен — Айиқо эл тўб Махжун,
Дирғида янтар тугу кун —
Карнай, сурнай, яғжагу қонуи,
Таърифидан нарчмас қалаи,
Хуш келибсан, Наврўзи олам!
Сезгандирсан лекин баъзида,
Нотўқларнинг жўшқин ваъзида,
Гўзалларнинг ўтти ноъзида,
Ошиқларнинг сирли розида,
Сурнайнинг мунгли созида
Турмушимиз тарзидан алам,
Хуш келибсан, Наврўзи олам!
Даврон қилар бизни имтиҳон,
Тўқин-сочини амас дастурхон,
Ясанишга топиламан имкон,
Лек қалбимиз амасдир нолон,
Умид билан шифо топар жон,
Элимиз чун сира чекина ғам,
Хуш келибсан, Наврўзи олам!
Имоминиз ҳали безавол,

Орузлар ҳам бўлмагай увол,
Бахтиёрлик кўрсатиб жамол,
Давронимиз бўлур барқамол,
Муқаррардир: кулажан илбўл,
Умид билан барқабат одам,
Хуш келибсан, Наврўзи олам!
Мият шўкри, мақруф амасини,
Ҳали бизда одамлик анизи,
Ширин сўзга амасиниз хасини,
Меҳринизни амай ҳаргиз,
Ҳар муҳтожага қучоқ очиб биз,
Боримизни кўраиниз баҳам,
Хуш келибсан, Наврўзи олам!
Иншооллоҳ, келас баҳор,
Бўлганида ҳар ёқ долазор,
Келганида мисоли дилдор,
Унут бўлиб диллардан озор,
Фаровонлик бўлур барқарор,
Дардимизга топиламан малҳам,
Хуш келибсан, Наврўзи олам!
Вутун эса бўлиб дилдором,
Кўнглимизга бахш айла ором,
Ешу кекса қалбин этиб ром,
Дилларига бағишлаб илҳом,
Кўлларига тутқиз олтин жом,
Меҳрини сочиб мисоли Ҷотам,
Хуш келибсан, Наврўзи олам!

Анвар ҚОЖИНАХМЕДОВ.

КАМАЛАК-МИСОЛРАНГЛАР

Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлик олийгоҳининг бадий-срафика кулдеҳида Наврўзга бағишланган тасвирий савъат асарлари кўргазмаси очилди. Унда ранг-тасвир кафедрасининг муаллима-муаввирлари Нодира Орипова, Фотима Микуллина, Анна Доноцларнинг турли мавзулардаги 40 та асари намойиш этилмоқда.

Йилнинг ҳар бир фаслига хос ҳусусиятлари, гўзал кўламнинг камалакмисол рангларга бой турфа кўрinishларини, дилдорлар тароватини, инсон саховатли табиат билан ҳамкорликда яратган ноз-неъматларни ас эитирувчи «Баҳор», «Тоғ манзараси», «Биринчи қор», «Баҳор шабадаси», «Кўзги натюрморт» ҳамда «Анорлар» (муаллифи Н. Орипова) кишиларнинг турли руҳий ҳолатлардаги қиёфаларини рангтасвирда намоён этиш борасида айниқса маҳорат кўрсатган. Муаввирнинг «Қақшадорёлик аёл», «Дилбар портрети», «Шоира», «Жамаласоч» каби асарлари шулар жумласидандир.

Ф. Микуллинанинг асарлари эса тасвирлаш воситаларининг қўлланиши ўзгачалиги билан эътиборни тортади. Рассом яратган намуналар табиат гўзаллиги, Наврўздаги халқ сайилларига, боғларимизга бағишланган. Унинг ишлари тахтага сирма қилиб тортилган рангдор газламанлар сатҳига қамиш, турли ўсимликларнинг пўстлоғи, гули ҳамда япроғини чиғиз тарҳига қадаш, елимлаш усули билан бажарилган бўлиб, кўпчилигининг таҳсинига сазов бўлмоқда.

Ваҳром ТОЖИЕВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАТИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СИГНАЛ» ШИРКАТИ

Пойтахтдаги Тошкент давлат дорилфунуни, Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи, Тошкент автомобиль йўллари олий билимгоҳи, Тошкент заҳд хўжалиги олий билимгоҳи, Тошкент политехника олий билимгоҳи, Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳлари, Тошкент болалар шифокорлари олий билимгоҳи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи, Тошкент қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳи каби эътиборни олий ўқув даргоҳларига ўқинишига киришга тайёрлаш мақсадида абитуриентларга қулайлик яратиб, яқинта-учта танловни имтиҳон дастурлари бўйича

ЯҚШАНБАЛИК

ТАЙЁРЛОВ ДАРСЛАРИ ТУРКУМИГА ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёрлов дарслари яқшабна кунлари, кундузги пайтларда ўтказилади. Бу эса Тошкент шаҳрида ва айниқса Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи абитуриентлар учун, сўзсиз, катта қулайлиқдир.

Машигулотлар асосан ихтисослаштирилган тарзда ва кичик-кичик гуруҳлар тартибда ўтказилади.

Машигулотлари Тошкентдаги олий билимгоҳларнинг абитуриентлари олий ўқув юртига тайёрлашда бой тажриба ортирган юқори малакали ўқитувчилари: фан номзодлари, доцентлар олиб борилади.

Бундан ташқари, ширкат ўз абитуриентлари учун танловли кириш имтиҳонлари дастури доирасида рангбаранг мавзуларда маърузалар уюштирилади.

Абитуриентларнинг бутун иқидий фаолиятларини бошқариб бориш, зарурат турган ҳолларда вақти-вақти билан йўл-йўриқ кўрсатиш, таъсия ва кўрсатмалари бериб боришдек муҳим вазифани ҳам ширкат ўз бўйнига олади.

«Сигнал» ширкати жамоаси тайёрларликнинг сўнгги оқибат-натيجаси учун моддий жавобгарлиқни ўз зиммасига олади, яъни бу жамоа аъзолари ўз абитуриентларининг танловли кириш имтиҳонларида асосан «яхши» ва «аъло» баҳоларини олишлари ва пировард натижада ўзлари танланган олий ўқув юртига кириб кетишлари учун бор имкониятларини ишга солади.

Машигулотлар — ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Абитуриентлар 30 мартга қабул қилинади. Қабул шартлари билан батафсилроқ танишиш учун қуйидаги манзилларда жойлашган «абитуриентлари қабул қилиш ва тайёрлаш марказлари»дан бирига (турар жойинингизнинг яқинлигига қараб) мурожаат этишингиз мумкин.

1-ҚАБУЛ МАРКАЗИ: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 105-уй, 1-қават. Тошкент Совет савдоси техникумининг ўқув биносига жойлашган (7, 24, 28-трамвайларнинг «Йон қўйиш институт» бекати, «Самарқанд» автостанциясидан бир бекат берида).

Иш вақти: ҳар кун соат 10.00 дан 19.00 гача. Дам олиш кун — душанба.

2-ҚАБУЛ МАРКАЗИ: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Железнодорожная кўчаси, 128 «а»-уй («Сигнал» ширкатининг 2-урта хунар-техника билим юрти биносидида маъмурий ва ўқув қоруси). Телефон: 5-04-04, 2-хунар-техника билим юрти Чирчиқ шаҳрининг марказий автостанцияси ва бозори ёнида жойлашган.

Иш вақти: ҳар кун соат 10.00 дан 19.00 гача. Дам олиш кун — душанба.

3-ҚАБУЛ МАРКАЗИ: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, Келес шаҳри, Октябрь номи 11-урта мактаб биносига жойлашган (Охунбоев номи йўлгоҳини мўлжалла олиб борилади).

Иш вақти: ҳар кун соат 10.00 дан 19.00 гача. Дам олиш кун — душанба.

«СИГНАЛ» ШИРКАТИ. Бутуниттифоқ ишлаб-чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб-чиқариш корхонаси.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УРАЛ» СОВЕТ-БРИТАНИЯ ҚУШМА КОРХОНАСИНИНГ «ТЕХНЕЗИС-ИНФО»

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

ПК IBM PC(XT)AT негизидаги дастурий-техникавий комплексларни ўртача нархларда етказиб берилади.

Ишга тушириш-созлаш ишлари ва 12 ой давомда техникага нафолатли таъмирлаш хизмати кўрсатиш ҳақи дастурий-техникавий комплекс қийматига кирди.

Буюртмачи олдиндан Тошкент шаҳрида ДТКнинг имкониятлари билан танишиб-чиқини мумкин. Ҳақини тўлагандан сўнг 24 соат мобайнида етказиб берилади.

Буюртмачининг хоҳишига кўра «ТЕХНЕЗИС-ИНФО» ДТКга техника хизмати кўрсатади ва дастурий воситаларини ишлаб чиқади.

«ТЕХНЕЗИС-ИНФО» шартнома тузишга қўмақлашувчи шахсларга миннатдорчилик изҳор этади ва бу ҳолда агентлик хизматлари учун ҳақ тўланиши назарда тутилган.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 67-25-57, 67-77-06.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги М. Қорёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

31 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

ЎЗБЕКISTON ССЖДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН АРТИСТ

Фахриддин УМАРОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ СОВРИНОРИ

Ҳожинакбар ҲАМИДОВ

ИШИТРОКИДА

КОНЦЕРТ

Читалар Ҳақлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотиломда.

(24 февраль соат 19.30 гача олишган читалар билан кириш мумкин).

Дилмурод САИДОВ.

Мухаррир Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ИДОРАСИ

МАРТ ОИИДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ШАҲАРЛАР ВА НОҲИЯЛАРИДАГИ КИНОТЕАТР ЭҒРАНЛАРИГА ҚУИИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«ПАСПОРТ»

Бировнинг паспорти билан тасодифан Исроилга учиб кетган такси ҳайдовчиси Мераб «Мен Горбачёвга ёсаман» дейди жаҳд билан.

Еш грузин таксичиси бемаъни англашилмовчилик туфайли ўз ақасининг паспорти билан Исроилга жўнаб кетади. Ҳаттои тузатиш учун бўлган барча уринишлар вазиятининг янада чиғаллашувига олиб келади. Чўнтагда бир трийни ҳам қолмаган, лекин икки ишча совет шампан мусалласини кўтариб олган Мераб «қарзга» олган саёҳатини давом эттиришга мажбур бўлади.

Ўғай ака-укаларнинг қўшалок роли — грузин ва яхуди йигитлари ролини француз антери Жерар Дармон ўйнаган.

Ажойиб режиссёр Георгий ДАНИЕЛИНИНГ гаройиб сюжетли янги кинокемеядисидан роллари Олег Янковский, Леонид Ярмольник, Манука Кикалейшвили, Армен Жигарханян, Евгений Леонов, Игорь Кваша ва бошқалар ижро этишган.

«ПАСПОРТ ПРОДЮКСЬОН» («Франция»), «ПАГОНА ПРОДАКШЕН» (Австрия), «ИЗРАИЛЬ-ФИЛЬМ» (Исроил) фирмалари иштирокида «РИТМ» студияси чиқарган.

«ҚОРА ВОЛГА»ДАН ТУШГАН ОДАМ

Режиссёр — Н. Лукьянов.

РОЛЛАРДА: Ю. Демич, Л. Николаева, Н. Гравшин, В. Иванов, В. Седов ва бошқалар.

Фильмининг бош қаҳрамони — мансабга интилиб, вийдоний сотган, дўстлиққа ва севгига хиёнат қилган ўттиз ёшли фан номзодидир.

«БЕЛАРУСЬ-ФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАХСУЛОТИ.

«ДАВЛАТ ИХТИЁРИДАГИ УЙ»

Ушбу ижтимоий-руҳий драманиннг қаҳрамони — болалар уйда яшайдиган уч ёшли бола. Ана шу давлат ихтиёридаги уйда истиқомат қилувчиларнинг ҳаётига диққат билан назар ташласангиз тарбиячи деб атаймиш лоқайд ва манфур ўқитувчилар томонидан болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қанчалик шафқатсизларча, беорларча топталаётганини кўриб, даҳшатга тушасиз.

Сценарийни Елена ЛАСКАРЕВА иштирокида Михаил КОНЧАЛОВСКИЙ ёзган.

РОЛЛАРДА: Галина Польских, Нина Русланова, Владимир Ильин, Юлия Жукова, Алёна Сергиевский, Алёша Колосов ва бошқалар.

Фильмининг «ЦЕНТР МК ВЛКСМ» ёшлар бирлашмаси иштирокида «КИНО» ишлаб чиқарган.

Тошкент вилояти давлат суғурта бошқармаси жамоаси бошлиғи С. А. Валиева турмуш ўртини

АЛИТНОВЕНИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



УВОҒИ ҲАМ ЭЪЗОЗЛИ

ТОШКЕНТ вилоят матбуот жамаиятининг Орқоникот ноҳиясидagi ўқув ишлаб чиқариш жамаиятига қарашли нон корхонасининг ташкил топганига 50 йилдан ошди. Корхона асбоб-ускуналари эскириб қолган бўлишига қарамай ўз сафати турли миллат вакиллари билан бирлаштирилган 116 кишилик байналмилал жамоа куч-гайрати билан ишда унум ҳам, сифат ҳам бўлмоқда.

Новвойлар бир кунда 16 — 18 тонна сифатли бўлға нон, оби нон ва пагир каби миллий, шунингдек бағон, ширали буюкчалар, ўрама славян буюкчалари каби нонларни эл дастурхонига етказиб беришяпти. Бу ерда тайёрланган махсулотдан пойтахтимиз Тошкентнинг Куйбисев, Бектемир ва Ҳамаза ноҳиялари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлапти.

Корхона қошида ташкил топган ва куну тун ишловчи фирма нон мағазини хизматидан ҳам шаҳар аҳолиси миннатдор. Ундан исталган миқдорда юқорида тилга олинган навли нон махсулотларини харид этиш мумкин. Яъни кунларда фирма мағазини қайта қурилиб, бу ерда қаҳвахона, дам олиш хоналари хизмат кўрсата бошлайди. Бундан ташқари новвойхона худудига ишлаб чиқаришни сифатли ичимли сув билан таъминловчи артезиан қудуғини ишга тушириш тадбирлари қурилмақда.

Корхона меҳнат аҳли ўртасида илгор новвойлардан СССР матбуот аълочиси Нажим Ҳўжаев, коммунист Ёнуг Ҳўжамуродова ҳар томонлама эъзозланади. Уста ёрдამчиси Виктор Козлов ёшларга новвойчилик сирларини ўргатаётган устоз мураббий ҳамдир.

— Новвойларимиз жамоасининг асосий мақсади, — дейди корхона бошлиғи Баҳодир Мўхаммадқуров, — халқимиз учун сифатли нон махсулотларини узлуксиз етказиб туртишдир. Лекин кейинги вақтларда нонга бўлган эъзоз бироз сустайганидан хабар бўлаётимиз. Не-не машаққатлар билан тайёрлаш ва риёз-рўзимизга бундай муносабат ташвишли

бир ҳолдир. Бунга асло йўл қўймаслик лозим.

Бу йил жамоа бир миллион 599 минг сўмлик махсулот ишлаб чиқариш, 253 минг сўмлик соф фойда олишни мўлжалламоқда.

Ҳозирги кунда ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 200 сўмни ташкил этади. Бу хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаш самарасидир. Демак, ўтган йилгига нисбатан ҳар бир ишчининг ойлиги ўрта ҳисобда 40 сўмга ошди. Корхона қошидаги мағазин ўтган йил нон сотишдан 38 минг сўмлик фойда кўрди. Бу йил эса бу 40 — 45 минг сўмни ташкил этади.

М. НУРИДИНОВ.

СУРАТЛАРДА: нон таркатуви Абдулла Олимов, пагир устаси Захро Султонова ёш новвойлар даврасида.

Суратлар муаллифиники.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АТАМАЛАР КОМИССИЯСИДА

КЎЧАЛАР, НОМЛАР

Тошкент шаҳар Атамалар комиссияси тавсиясига биноан ҳамда халқ дедуатлари Тошкент шаҳар Советининг шу йил февраль ойидаги қарори билан пойтахтимиздаги 200 га яқин турли қураинидаги кўчалар ва мактабларга қайта ном берилди. Қуйида маъзур қарордан айрим лавҳалар билан муштарийларимизни таништирамиз.

● Фрунзе районидagi Богдан Хмельницкий кўчасининг бир қисмини Бобур номи берилганини аввал қайд этиб ўтган эдик. Эндиликда Богдан Хмельницкий кўчаси гўлалитча БОБУР номи билан юритиладиган бўлди.

● Маъдумки, 1990 йили бутун илсом олами буюк муҳаддис имом ат-Термизий таваллудига 1200 йил тўлганини катта анжуман қилиб нишонлади. Бу тадбирдан шаҳар Атамалар комиссияси ҳам четда турмади. Комиссия «Черешневая» кўчасига

буюк муҳаддис номини бериш ташаббус билан чиқди. Эндиликда бу кўча имом АТ-ТЕРМИЗИЙ кўчаси деб юритиладиган бўлди.

● Шота Руставели кўчасининг Бобур кўчасидан «Самарқанд» автотўналмасига қараган қисмига истибод қурибди, шонир Усмон Носир номи берилди. Усмон НОСИР кўчаси деб юритилди.

● «Муштум» ойнамасида кўп йиллар самарали меҳнат қилган таниқли мусаввир Алижон ХОЛИҚОВ хотира-си ҳам абадилаштирилди.

Эндиликда Овсянников кўчаси Алижон ХОЛИҚОВ номи билан юритилмоқда.

● Октябрь районидagi Заболотний кўчаси ва 141-урта мактабга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, таниқли адабиётшунос олим Саъдулла ИСМАТОВ номи берилди.

● Шу райондаги Кремль кўчаси эса ижтимоий курилиш ходими хотирасига Йўлдошжўжа ОИХҲҲАЕВ номи билан юритиладиган бўлди.

● Комаров кўчаси эса Ўзбекистон халқ рассоми Ҳамидулла ИКРОМОВ номини олди.

● Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир САФАРОВ номи «Кораёб Восток» кўчасига берилди.

● Полевая кўчаси (Фрунзе райони) XVI асрда яшаган тошкентлик тарихнавис Мухаммад Хусайн Кўрагоний ўғли Мирза Мухаммад Ҳайдар хотирасига Мирза ҲАЙ-

ДАР кўчаси деб ўзгартирилди. Шу қўчанинг 7 та тор ва 4 та берк кўчаси ҳам унинг номи билан юритилди.

● Собир Раҳимов райондаги Янгиш проедига ҳазрати имом ал-Қафол аш-Шошай номи берилганлиги муштарийларимизга маълум. Шу қўчанинг давоми бўлган Ленинград кўчаси ҳам ибн Исмомил ал-Қафол АШ-ШОШИЙ (ҳазрати имом) номи билан юритиладиган бўлди.

● Киров районидagi Цицелия кўчасига тиббиёт илмининг таниқли олми Илос ФОЗИЛОВ номи берилди.

● Шу райондаги 302-мактаб ҲУМОЮН номи 302-мактаб деб юритилди.

● Дилмурод САИДОВ.

Мухаррир Н. НАСИМОВ.